





Энди ушбу масалага оид матнни шарҳ қилишга ўтайлик.

Махсига масҳ тортиш кичик бетаҳорат кишига жоиздир.

Масҳ тортиш таҳорати кетган одам янги таҳорат қилганда жоиз бўлган бир ишдир.

Ғусл вожиб бўлган одамга эмас.

Бу ҳолдаги одам махсини ечиб, ғусл қилади.

Унинг фарзи болдирдан пастга қўлнинг уч бармоғи миқдорида чизиқ тортишдир.

Яъни махси ёки унинг ўрнига ўтадиган пойабзалнинг оёқ устини беркитиб турадиган қисмига уч бармоқ миқдорида масҳ тортса, фарзи адо этилган, масҳ ўрнига қўйилган бўлади.

Махсига масҳ тортишда икки қўлни ҳўллағач, бармоқларни ёйиб, ўнг қўлни ўнг махсининг, чап қўлни чап махсининг учига қўйилади ва қўлни махси устидан тортиб бориб, тўпиқлар бор жойгача етказилади.

Уни икки чориққа ва тўпиқни тўсувчи ҳамда сафар қилишга ярайдиган нарсага тортиш жоиздир.

Чориқ совуқда махсининг устидан кийиладиган нарса бўлган. Абу Довуд, Ибн Можа, Ибн Хузайма ва Ҳоким Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чориққа масҳ тортганлари айтилган.

Махсини кийгандан кейин таҳорати кетмай туриб, устидан чориқни кийган бўлса, унга масҳ тортса бўлади. Аммо таҳорати кетиб, қайта таҳорат қилаётганда махсига масҳ тортиб олиб, кейин чориқни кийган бўлса, унга масҳ тортиб бўлмайди.

Махси ва чориқдан бошқа, уларнинг вазифасини адо этадиган пойабзалларга ҳам масҳ тортса бўлади. Бунинг учун мазкур пойабзаллар икки оёқнинг тўпиқдан юқорисини тўсадиган, боғламаса ҳам, ўзи тик турадиган ва у билан юриб сафар қилса бўладиган даражада бўлиши лозим. Мазкур сафар энг ози бир фарсах, яъни 5544 метр масофага бўлиши керак. Агар мазкур масофани босиб ўтгунча йиртилиб кетадиган пойабзал бўлса, унга масҳ тортиш жоиз эмас.

*(Давоми бор)*

*«Кифоя» китобининг биринчи жузидан*